

# ЖАЛДК СУЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

2 МАРТ, СЕШАНБА № 42 (547). 1993 йил. Сوتуда эркин нарҳда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛГАНИГА БИР ЙИЛ ТЎЛДИ

Утган йил кўпмеънамлик йил нисмалари олаётганда дийримида ажиб хушбагар ёйилди: 1992 йил 2 март кунини Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига ақдрилиб билан қабул қилинди. Шу кундан эътиборан БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳи бинолари туркуми узра мустақил Ўзбекистон байроғи ҳам қилпирай бошлади.

Қалдиргон қанотларидаги баҳор бошлангани ҳақидаги хушбагарга монанд бу мужда орзиққан дилларимизни шодликка тўлдириб юборди. Зеро, Ўзбекистоннинг жаҳондаги энг муътабар ташкилотга аъзо бўлиши мустақил давлатимиз мақомининг халқаро майдондан олиншидан дарак берарди.

БМТни барпо этиш ҳақидаги қарор жаҳондаги беш йирик давлат ташқи ишлар вазирларининг Москвадаги кенгашида қабул қилинган бўлса-да, унинг низоми 1945 йилнинг 26 июнида Сан-Франциско конференциясида тасдиқланганди. Уша йилнинг 24 октябрдан кучга кирган бу низоми дунёнинг 51 мамлакатни вакиллари имзолаган эдилар. Айни пайтда БМТга аъзо бўлиб кирган давлатлар сони 175 дан ошиб кетди.

БМТнинг асосий сиёсий органи бўлган Хавфсизлик кенгаши миллатлар ҳамдустлиги ташкилотига янги давлатларни аъзо қилиб олишда муҳим рол ўйнайди. Янги аъзолар шу борада кенгаш тавсиясига мувофиқ, Бош Ассамблея қарорига аъзолиги қабул қилинади. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг ақуловчи ақтини имзолаб, шу тариқа халқимизнинг тинчлик ва тотувлиги гоъларига, сиёсий ва иқтисодий эркинликларга амал қилишга, инсон ҳуқуқларига тўла қаролат беришга азму қарор қилганини тасдиқлаганидан сўнг Бош Ассамблея Ўзбекистонни овозга қўймасдан, ақдрилиб билан БМТга аъзо қилиб олди.

Мамлакатимизнинг 22 миллион халқи номидан қўрсатилган юксак шараф учун БМТ Хавфсизлик кенгашига ва Бош Ассамблеясига миннатдорчилик изҳор этган. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирини муътабар ташкилот вакиллари минг йиллик бой маданиятга эга бўлган халқимиз умумбагарий қад-

ийнинг 16 ноябрида эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Ўзбекистонда БМТнинг ваколатхонасини очиш хусусида битим имзоланди. Ўзбекистоннинг бу ваколатхонани Тошкентда фаолият кўрсатаётган элчихоналар силсиласида бош элчихона деб ҳисоблашни маълум қилиши мамлакатимизнинг обрўли халқаро ташкилотга нисбатан ҳурматини намоян эгади. Ўзбекистон халқаро ҳамжамият маҳкамалари билан иқтисодиёт, дипломатия, сиёсатшунослик соҳаларида мутахассислар тайёрлашда ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилишни режалаштирган.

Хабарингиз бўлса керак, февраль ойининг 22-26 кунлари Тошкентда «Хусусийлаштириш — иқтисодий ислохотнинг, ижтимоий бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим омил» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Утиш даврида Ўзбекистоннинг илк одимларини жаҳон тажрибаларига солиштириш имконини берган бу анжуманинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида ўтгани мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият билан алоқалари ривожланиб бораётганидан далолатдир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессияси ялпи мажлисида БМТ Бош қотиби жаноб Бутрос Гои ўзларининг янги вазифаларини ўзлаштириб олаётган Тожикистон, Қозғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон, Арманистон ва Европадаги митти мамлакат — Сан-Маринонинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиб олиниши бу ташкилотни бойитди, уни янада кенг қамровли қилди, деган эди. Дарҳақиқат, БМТ ишида бошқа мамлакатлар қаторида Ўзбекистоннинг ҳам иштироки этиши жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилишда кенг уфқлар очмоқда. Эндиликда БМТнинг муътабар минобари ёш, мустақил давлатимиз учун сиёсат, иқтисодиёт, маданият соҳасида ўзининг бой имкониятларини намоян этишида муҳим вазиталардан бири бўлиб қолиши шубҳадан бири.

Р. Сомеререйннинг сабарни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти делегациясининг Ўзбекистонга илк ташрифий эмас, 1992 йилнинг 25 августидан БМТ Тараққиёт Дастури минтақавий бюроси вакили Холид Маллик бошчилигидаги делегация ҳам шималмақимизга келиб Ўзбекистон поитахтида БМТнинг Тараққиёт Дастури ахборот марказини очиш масаласини муҳоама қилганди. Утган

Амиркул КАРИМОВ, (ЎзА).

### Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, поитахтида Наврўзга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Шўҳрат Илҳомович ЖАЛИЛОВ билан мусохаба.

— Аввало шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, — деди сўхбадошимиз, — Наврўз — чиннакам халқ байрами. Шундай экан, у ортинга дабдабаю расмиятчиликлар-сини ўтиши керак. Биз ҳам унинг сайил тарихида, азалий аъналаримиз асосида ўти-



## УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

ЎЗБЕКИСТОН ПОИТАХТИДА ҚАНДАЙ УТАДИ?

Шунинг кўзда тутаямиз. Шунинг учун ҳам унга шахсан Президентимиз кўрсатмаларини йўл-йўриқларига мувофиқ тайёргарлик ишларини алақачон бошлаб юборганмиз. Шу йил 22 февраль кунини шаҳримиз ҳокимининг «Тошкент шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида»ги махсус қарорини чиқди. Унда байрамни қандай ўтказиш кераклиги, ҳар бир тадбирга масъул ташкилоту раҳбарлар ва уларнинг ишнини назорат қилиб борувчи кишилар аниқ кўрсатиб берилган. Шунингдек, поитахтида байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзолари ҳам тасдиқланган. Худди шундай қўмиталар туман-

лаб юборилди. Турли кўргазмалар восталарини тайёрлаш ҳам ишохисинга етай деб қолди. — Байрам кунини асосан қандай тадбирларни ўтказиш кўзда тутилмоқда? — Улар жуда кўп ва хилма-хил. Уша кунини малакали санъаткорлару бадий хаваскорлик жамоаларидан тортиб халқ фольклор жамоаларини доғоб тугурҳларигача қишқилари уюштирилади. Кўраш тушини, тош кўтариш, халқ ўйинлари бўйича муСОбақалар, шаҳар кўчаларида енгил атлетика эстафеталарини ўтказиш каби спорт тадбирларини байрам иштирокчилари завқ-шавқ билан томоша қилдилар деб ўйлаймиз. Халқ усталари тайёрлаган буюмлар, китоб ва қўшлар савдо-кўргазмаларини ташкил этилади. Айниқса, болалар тадбирларини уюштиришга, меҳр-шафқат ақдирларини ўтказиш, касалхона, қаришлар ва болалар ўйларидиларини, ёлғиз нафаъахўрларини йўқлаш, уларга хайр-эҳсон улашни тадбирларига катта аҳамият берилди. Шу муносабат билан кўчат ўтказиш, ободончилик ойилларини эса аниқ баривақт бошлаб юборилди. Байрам доирасида қабристонларини тозаёташ, гул қўйиш, турли учрашувлар ўтказиш кабилар ҳам эътиборда бўлади. — Демак, байрам шодиб-ралаб бутун шаҳарини қамраб олади? — Ҳа, — Энг катта тадбирлар ўтказилганда жойлар ҳақи-



Бундан 11 йил илгари Асена районда қир-вирлар берилди «Соҳибкор» деп-лет қўмиталиги ташкил этилганди. «Бу ерларда деҳқончилик қилиб бўладим, суи олиб чиқиш муаммо бўлса деҳқончилик ҳам қўйлаб топилди. Дастлаб 35 гектар ерга узум ва бошқа мева кўчатлари ўтказилди. Дашт ерларда парваршига зўр берилмади, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Йилдан-йилга бог-ролар майдон қангайди, ҳосилдорлик ўсди. Ҳозирги кунда ўзликни мевозорлари 500 гектарга етди. Утган йил 300 тонна ўр-инга 500 тонна мева, 700 тонна ўринга 1000 тонна узум ҳо-силли олинди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий ва саховатли байрами — Наврўзини 1993 йилда кенг нишонлаш учун, шунингдек, миллий ўрф-одатлар неғизида умуминсоний қадриятларини улуғлаш, халқ ижодкорлик қудратини намоян этиш, ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва оёсийшталанини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилди: 1. Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. Ташкилий қўмита бир ҳафталик муддатда байрамни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқиш вазифасини топширилсин. 2. Республика қорхоналари, муассасалари, жамоа ва давлат хўжаликлари, ширкатлар, жамоат ташкилотларига ўз ички имкониятларини ҳисобга олиб, байрам тадбирларини тегишли транспорт восталари, озик-овқат махсулотлари, саноят моллари ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлаш вазифасини қўйиб, ушбу мақсадларга йўналтирилган сарф-харajatлар уларнинг иммоаларида бўлиши назарда тутилсин. 3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Давлат ишлари қўмитаси, «Маҳалла» ва «Наврўз» хайрия жамғармалари, ижодий уюшмалар ва бошқа тегишли ташкилотларга жойларда байрам маданий тадбирларини, оммавий спорт мусобақаларини, халқ ўйинларини кенг ташкил этиш, турли кўрсаткичларни ўтказиш тавсия этилсин. 4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Наврўз байрамиде республикадаги барча миллий маданий марказларнинг ўз дастурлари билан иштирок этишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берсинлар. (Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Н. А. Каримовга. СЕУЛ, 1993 йил февраль.

Жаноби олийлари, Корея Республикасининг Президенти этиб сайланганим муносабати билан юборган самимий қўтловингиз учун Сизга миннатдорчилик изҳор қиламан. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари нелгусида янада

### ҚУШНИНГ ТИНЧ, СЕН ТИНЧ ҚУШНИНГ ҲАМ НИИ БУЗИЛМАСИН

ҚУШНИ Тожикистондаги ноҳуш воқеалар, биродарқўшлик уруши Ўзбекистонда яшаётган ҳамма миллат кишиларининг қалбига ларза солди.

Фарғонада ўзини жафонаш юрт тақдирига дахлдор деб ҳисобламаган бирор фуқаро қолмади десак, муСОбақа бўлмайдди. Қиска вақт ичида вилоят ақционерлик-тижорат саноят-қурилиш банкидига махсус ҳисобга 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ тушиди. Вилоят мадубот жамиятлари уюшмаси салкам 2,5 миллион сўм, ўзларининг ижтимоий аҳволлари анча мушкул бўлишига қарамай, Фарғона шаҳар муаллимлари 252 миң сўм, Бешарқ районини меҳнатқиллари 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказишди.

Мана, Тожикистоннинг янги раҳбарини сай-ҳаракати, Марказий Осиёдаги давлатлар, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг бевосита аралашуви тудайил бу қадимий юртда яна тинчлик ўрнатил-япти, ўз «тушасидан қувилган, юртдан баларга бўлганлар, ноилжон жон олиб қочганлар яна киндик қони тўйилган туپроқларига қайтиб келишмоқда.

Янгида Фарғонада тожикистонлик қочқонларини ўз юртига қайтаришга бағишланган куватув маросими бўлиб ўтди. ...Темир йўл вокзалида юртларига қайтаётганлардан уларни куватайтганлар кўп. Тожикистоннинг Хатлон вилояти ҳокимлиги номидан ўз юртдошларини олиб кетишга келган аҳолини ишга жойлаштириш бошқармаси бошлиғи Тўрақул Маматқуловнинг вилоятдаги вазият аниқ барқарорлашгани тўғрисидаги гаплари қўнғилларга ийилини солиди. Вахш вилодиядан келган Солиқон Исоков эса юртин тўлқинлашиб, дилдаги гапларини тўлиқ гапиролмай, энти-

Нобийон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.





• Тилга эътибор — элга эътибор

# ТИЛ ВА МЕЪЁР

Давлат тили ҳақидаги нонуға бағишланган турли йилгиликларда, айрим мақола-ларда «русча-байналмилал ўзлашмаларнинг ўзбекча муқобилларини танлашдаги ҳар хилликлар қачон тартибга солинади, муқобил танлаш принциплари қачон ишлаб чиқилади?» деган мазмундаги гаплар айтимокда, уларда тайёраҳо, шохбе-кат, рўнома, олийгоҳ, бил-мигоҳ, таълимгоҳ, мажла-ди, жариди каби сўзларнинг тилимизга кириб келиши-ниги боиси нимада эканли-ги сўралмоқда.

Маълумки, 70 йил давом этган тоталитар тартиб дав-рида адабиётимиз, мадания-ти ва санъатимиз, тилимиз раvon ривожланиш имко-ниятиндан маҳрум бўлган эди. Ансар ҳолларда русча-байналмилал атамаларга зўр бериб, она тилимиз им-кониатларини чеклаб қўй-ган эдик. 1989 йили тили-мизга давлат тили мақоми бе-рилди. Бахтимизга халқимиз асрлар давомида орау қил-ган кунлар келди — Ҳабе-книстимиз Ҳа мустақилли-гига эришти. Бу эса тили-миз ривожига катта имко-ниятдир. Шундай бир вазия-та тилимизнинг эркин пар-

возини орау қилиб келган кўп адиблар, журналистлар, умуман эътиборимизнинг русча-байналмилал ўзлаш-малар ўрнига Ҳа тилимиздан, қолаверса, бизга яқин бўлган араб, форс тилларидан му-қобил қидиришларини (ай-ниқса дастлабки йилларда) табиий бир ҳол деб тушу-моқ керак. Умуман бу жара-ён фойдадан холи бўлмади, кўпгина байналмилал ўз-лашмаларга она тилимиз им-кониатларидан фойдаланиб, ўринли муқобиллар топили-ди, улар тилимизда кенг қўл-лана бошладилар. Биз тили-мизнинг бой тил эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик. Лекин орадан 2—3 йил ўтди, атамаларни тан-лашдаги баҳс-мунозаралар ва бу мунозаралар пайтида қайнаган эҳтирослар пайса-ди, тўқиллар чеканиб, кў-пчилик босила бошладилар. Оқибатда шу нарса аён бўл-дики, тилимизга давлат ма-қоми берилган дастлабки пайтларда шиддат билан ки-риб келган бир қанча араб-ча-форсча атамалар тили-мизга табиий равишда синги-б кета олмади, кенг жамоат-чилик эътирозларини тую-дирди (биз бу ҳақда юзлаб хатлар олдик). Бугун атамалар қўлланишидаги ҳар кил-

дикларга бир қадар барҳам берилди, дейишимиз мумкин. Бу борада русча-байналмилал ўзлашмаларнинг ўзбекча муқобилларини танлаш принциплари ишлаб чиқилди. Бу илмий принцип ҲаФА Тил-шунослик институти дирек-тори, ҲаФА муҳбир аъзоси, профессор Азимжон Ҳажиев томонидан ишлаб чиқилиб, Атамақум умумий мажли-сида маъқулланди ва «Ахборот»нинг 5—6 қўшимча сонида эълон қилинди (1992 йил). Ҳозирги вақтда русча-байналмилал ўзлашмалар муқобилларини танлаш шу принциплар асосида олиб борилмоқда. Юқориди айтил-ган принциплар бу мураккаб муаммонинг ҳамма жиҳатла-рини қамраб олган, ал-батта. Бироқ улар Ҳозирги кунда русча-байналмилал ўзлашмаларга муқобил танлаш ишига ижобий таъсир кўрсатмоқда деб айта ола-миз.

Ҳайлайманки, бу принциплар билан таҳририятлар, олимлар, қаламкашлар та-нишсалар, фойдадан холи бўлмас.

Одил ҲҚУБОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар маҳкамаси ҳу-  
зуридаги Атамақумушлик  
қўмитаси раиси.

## УЛУҒБЕК БОҒИ БАРПО ЭТИЛАДИ

Самарқандда буюк му-нажжим Мирзо Улуғбек но-мида улкан боғ яратилди. Кўпдан яқинлашиши билан бу ерда ҳар хил ниҳоллар, гул кўчатлари ўтказиш бошланди.

Маълумки, ЮНЕСКО на-ротида мувофиқ келгуси йили улуг мутафаккир Муҳаммад Тарағай Улуғ-бек таваллудининг 600 йиллиги дунё миқёсида ни-шонланади. Бу ҳақда Са-марқанд вилояти ҳокими-нинг ўринбосари Акрам Ҳу-дойқулов шундай деди:

— Тарих биздан узоқлаш-гани сари муҳтарам инсон-лар, заковатли аждодлари-мизнинг бой маданий ме-ро-си, бебаҳо ҳазинаси кў-нимизга шу қадар тўтиб бў-либ кўринаверади. Улуғ-бек олим Мирзо Улуғбекнинг хизматларини таърифлашга сўз ожизлик қилади. Би-нобарин, унинг Самарқанд-да фан, маданият, санъат ва меъморилик ривожига кўнгли ҳисса солиб келди. У тушган қилган 40 йил мобайнида бу ер гуллаб-

яшнагани, шонру фозиллар, олим уламолар масканига айлангани билан бугунги кунда ҳам фахрланамиз.

Юбилей тантаналари ол-дидан вилоятда бажарила-диган тадбирлар кўлами катта. Энг муҳими, Самар-қанддаги олим номин билан боғлиқ барча кўлтуғ дар-гоҳларни, тарихий меъ-морчилик обидаларини қай-та таъмирлаш, уларга «ин-кинчи умр» бағишлаш ни-ятида. Шаҳарнинг эски қисмида Улуғбек маркази бунёд этилади. Айниқса, унинг номи билан аталу-чи Самарқанд меъмори-лик-қурилиш олийгоҳи ва унинг атрофида кўп иш режалаштирилган.

Шаҳардаги Улуғбек кў-часини бутунлай янги қи-яфга киритиш ишлари, юби-лейга аталган совға-салом-лар, эскилиги буюмлари тайёрлаш бошлаб жорил-ганини таъкидлашни истар-дим.

Х. ШУКУРОВ,  
ҲаА муҳбири.

Ўзбекистон маорифи, фан ва маданият оғир жудолликка учиради. Бвақт улим педагогика фанининг кўза кўришган олим, Нисомий номдаги Тош-кент давлат педагогика ин-ститути умумий педагогика кафедрасининг профессори, педагогика фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсат-ган фан арбоби, академик Сиддик Ражабов Ражабовни 1993 йил 28 февраль куни ора-миздан олиб кетди.

Сиддик Ражабов 1910 йил а-прель ойида Жамбул шаҳрида таваллуд топди. 1933 йили Фарғона педагогика институ-тини имтиёзли тамомлағач, шу институтда ўқитувчи қилиб қолдирилди. 1934—37 йилла-ри аспирантурада таҳсил кўр-ди, 1941 йили номзодлик, 1958 йили эса докторлик диссерт-ациясини ҳимоя қилди.

С. Ражабов Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тети тарғибот-таъшиқот бўли-ми мудирининг ўринбосари, 1943—1947 йиллар давомида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси-нинг масъул муҳаррири ва-зи-фасида ишлади. 1947—1962, 1966—1989 йил-ларда С. Ражабов Нисомий но-мили Тошкент давлат педа-

## СИДДИК РАЖАБОВ

гогика институти умумий пе-дагогика кафедрасига муди-р, 1961—1966 йилларда Ўзбеки-стон Педагогика фанлари ил-мий тадқиқот институтининг директори вазифаларида иш-лади.

С. Ражабов 1962—1989 йил-лар давомида педагогика бўйича илмий даражалар бе-қарадиган илмий кенгашга раис-лик қилди.

1969 йилда унга «Республи-када хизмат кўрсатган фан ар-боби» унвони берилди, 1968 йилда эса собиқ СССР Педагогика фанлари академия-сининг академиги, 1970 йил-дан бошлаб ушбу академия президиумининг аъзоси этиб сайланди. С. Ражабов Урта Осиё ва Қозғистон жумҳури-ятларида педагогика соҳа-сида олиб борилган илмий та-дқиқотларни ўзэро мувофиқ-лаштириш, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича иб-ратли ишларни амалга ошир-ди, 10 дан ортиқ фан докто-ри, 200 га яқин фан номзо-д-

ларини тайёрлади. Унинг ташаббуси ва бевосита ишти-рожи билан педагогика ва педагогика тарихидан дарслик ҳамда қўлланмалар нашр этилди. Академик С. Ражабов 65 йиллик педагогик фаоли-яти давомида 250 га яқин мо-нография ва рисола, илмий педагогик мазмулардаги ма-қолаларни ёзиб чоп эттирди ва умрининг охирига дақиқа-ларига қадар ёш мутахассис-ларга илмий-методик жиҳат-дан ёрдам бериб келди.

Олимнинг меҳнатига му-носиб тақдирланган. У кўп ордон ва медаллар, Ўзбе-кистон Олий Кенгаши Раёс-атининг фахрий ўрликлари бил-лан мукофотланган.

Пок қалбли инсон, халқ маорифи жанкуари Сиддик Ражабовнинг эркин хотираси унинг ёру дўстлари, халқка-бар ва шогирдлари қалбига абадий яшайди.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

### РУСЧА-БАЙНАЛМИЛАЛ ҲЗЛАШМАЛАРНИНГ ҲЗБЕКЧА МУҚОБИЛЛАРИНИ ТАНЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

Ўзбек тилида истеъмолда бўлган (рус тилидан ўзлашти-рилган) айрим сўзларни бош-қа сўз билан алмаштиришда энг асосий талаб — сўзинг (аслида қайси тилга мансуб-лигидан қатъий назар) тушу-нчани тўғри ва аниқ ифода-лай олишидир. Ана шунки асос-та олиб, бу алмаштириш жара-ёнида яна қўйиладиганга эъти-бор бериш керак:

1. Фан, техника, касб-ҳуна-рининг бирор соҳасига хос му-айян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ва сўз бирикмасини таримин деб аташ лозим. Умуман, нарса-ҳодисалар номлари маъ-носиди атамас сўзини қўллай-вериш мумкин.

2. Илгари ўзбек тилида қўл-ланган ва нарса-ҳодисани, у ҳақдаги тушунчани тўғри ифо-далаган сўзлар, ҳеч қандай эҳтиёжсиз, рус тилидаги сўз-лар билан алмаштирилган бўл-са, бундай сўзлар яна ўз ўрнига тикланиши керак. Шу жиҳатдан фоиз, инчилоб, зиё-ли, бекат, рисола, мати каби сўзларнинг қайта истеъмолга киритилиши жуда ўринлидир.

3. Тушунчани аниқ ва тў-ғри ифода-лай оладиган сўз ўз тилида бўлгани ҳолда ёки шундай сўзни ясаш мумкин бўлган ҳолда уни ифода-лаш учун рус тилидаги сўз қабул қилинаверган бўлса, улар ҳам ўзбекча билан алмаштирили-ши керак. Масалан, союз, со-вет, фактор, процесс, состав сўзлари ўрнида уюшма, кен-

гаш, омил, жараён, тарихий сўзларини қўллашга (улар би-лан алмаштиришга) ҳеч қан-дай эҳтиёж бўлиши мумкин эмас.

4. Рус тилидан олиниб ўз-бек тилининг ўз материалига (мулкига) айланиб кетган, нар-са-ҳодисани тўғри, аниқ ифо-далаётдиган, ҳамма учун тушу-нарли бўлган сўзларни шун-дай хусусиятларга эга бўлма-ган, яъни тушунчани тўғри, аниқ ифода-лай олмайдиган, кўпчилик ёки деярли ҳамма тушунмайдиган сўзлар билан алмаштиришга ўриниш тилга, унинг истеъмолига зарар-дан бошқа нарса келтирмай-ди, институт, факультет, газета сўзларини бошқа сўз (сўзлар) билан алмаштиришга ўриниш бунга мисол бўла олади.

5. Рус тилидан ўзлашиб, ҳо-зир истеъмолда бўлган сўзни бошқиси билан алмаштириш-алмаштирмаслик масаласида ўзлашма сўзининг бир маъноли ёки кўп маъноли экани билан ҳам ҳисоблашиш керак бўла-ди. Агар ўзлашма сўз кўп маъноли бўлиб, у билан ал-маштирилмоқчи бўлган сўз унинг барча маъноларини аниқ, тўғри ифода-лай олади-ган бўлса, алмаштириш мум-кин. Акс ҳолда у ёки бу сўзи-ни ўзлашма сўзининг маълум бир маъносиди (маъноларида) қўллашни тавсия этиш мум-кин. Ҳазирда бу сўз билан ал-маштирил-

ди. Система сўзининг маълум бир маъноси (маънолари)да тизим сўзини қўллаш мумкин. Лекин система сўзини тизим сўзи билан бутунлай алмашти-риш мумкин эмас. Чунки у система сўзининг барча маъ-ноларини ифода-лай олмайди. Масалан, асаб системаси би-рикмасидаги система сўзи ўрнида тизим сўзини қўллаш мумкин эмас. Демак, система сўзини ўзбек тилидан, бутун-лай чиқариб бўлмайди.

6. Ҳазирда сўздан янги-янги сўзлар ясалиши (яса-лан бўлиши) ёки рус тилидан унинг ясама воситалари ҳам ўзлашган бўлиши мумкин, «газет» — «газетхон» — «газетчи»; «журнал» — «журналхон» — «журналист» — «журналистика» каби. Унинг ўрнига тавсия этилаётган сўздан эса бундай сўзлар ясалмаслиги мумкин. Масалан, рўнома, ҳафта-нома, ойнома, жариди, мажла-ла сўзларидан янги сўз ясалмай-ди. Бундай ўзлашма сўзларни ҳам бошқа сўз билан алмаш-тирмаслик маъқул.

7. У ёки бу ўзлашма сўзи бошқиси билан алмаштириш ёки алмаштирмасликда унинг қариндош ва қариндош бўл-маган тилларда қўлланиш-қўлланишсини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Агар ўз-бек тилидаги бирор сўз дунё-даги жуда кўп тилларда (қе-риндош ва қариндош бўлма-ган тилларда) ҳам истеъмолда бўлса, уни бошқа сўз билан алмаштиришга ўриниш фойда бермайди. Масалан, респуб-лика сўзи худди шундай ҳу-сусиятга эга.

### ҚИСҚА ХАБАРЛАР

#### ҚўЛГА ТУШИДИ

ДУШАНБЕДА Г И «Фарағист» кичик корхонаси ҳайдовчиси Х. Ватуров Ҳовос — Ҳўжанд йўлида Жиз-зах вилоят божхонаси ходимлари қўлга тушди. Текширишдан маълум бўлдики, у ҳеч қандай ҳужжатсиз Ко-нибодомга ўзинида гоит тақчил бўлган 2 тонна гуруч олиб ке-таётган экан. Шун-ки қизилқич, у Қо-рақалпоғистондан йўлга чиққан ва шунча ма-софани эсон-омон бо-сиб ўтган. Унинг юки 80 миң сўмга баҳо-ланди ва мусодара қи-линди.

#### А. МАМАРАСУЛОВ.

#### КИТОВДА ШИША ИДИШ ЧИҚАДИ

КИТОВ халқ истеъ-мол моллари фаб-рикасининг мутахас-сислари шиша идиш-лар тақчиллигига бар-ҳам беришга киришди-лар. Бу ерда шундай идиш ишлаб чиқара-диган йирик цех бар-по этилмоқда.

Ташаббускорлар Ҳи-сор тоғи ёнбағирлари-да топишган хом ашё-дан фойдаланишни иш-жалляпти. Цех шу йил охиригача курий битказилади.

#### ПРОКУРАТУРА-НИНГ ИШИ ХАЛҚҚА ЕТКАЗИЛАДИ

ЯҚИНДА вилоят прокуратурасида маъ-кади мутахассислар-дан иборат матбуот гуруҳи тузилди. Маъ-сад вилоят ҳуку-матиди таъшиқотчи-ни аналга ошратувчи ишларни ёритиш бил-ан бирга республика миқёсида қабул қи-линган қонунлар, Пре-зидент Фармонлари, қарорларини ҳам кенг тарғиб этишди.



#### П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Газетанинг ушбу сонига И. Улбосаров ва Б. Норбоев наобатчилик қилди.

# ЭЪЛОНЛАР



Япониянинг "TOMEN CORPORATION" савдо фирмаси "JUKI" фирмаси билан ҳамкорликда 22 мартдан 26 мартгача Япониянинг етакчи "JUKI" фирмасида ишлаб чиқарилган тикувчилик саноат жиҳозларининг махсус кўргазмасини ўтказди. Кўргазмада турли хил матоларнинг намуналари ҳам намоиш этилади.



Кўргазмани ўтказиш даврида тикувчилик ишлаб чиқаришини йўлга қўймоқчи ёки тикувчилик цехи очмоқчи бўлган ва бунинг учун валюта ёки айирбошланадиган пахта толасига эга бўлган корхоналарнинг мутахассисларига Москвадаги "JUKI" техник марказининг ходимлари ва фирманинг мутахассислари маълаҳатлар беради.

Кўргазма ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 12. "Паризот" тикувчилик бирлашмаси (Россия) меҳмонхонасининг ёнида).

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!  
1993 йил 6 март кунини соат 11 да Халқлар дўстлиги орденли Тошкент давлат иқтисодиёт университетини битирган собиқ талабалар учрашуу ўтказилади.  
УЧРАШУВГА МАРҲАМАТ!  
Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 49-уй. Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 5-қават. Ректорат.

Ўзбекистон Республикаси Мелнорация ва сув ҳўжаллиги вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг насос станциялари, энергетика ва алоқа Бош бошқармасининг бошлиғи Х. Ш. Андаевага ораси  
Ҳафиза АНДАЕВАНING вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия илҳор қилади.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Пахтакор тумани-даги 13-ўрта мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Замира Шаропова 17 йилдан буён иш асвода таълим-тарбия бериб кел-лади. У ҳар бир дарсини кўргазмани цу-

роплар ва техника ўнчу воситаларидан фойдаланиб, жуда мароқли олиб боради.  
СУРАТДА: З. Шаропова машғулот ўта-ётган пайт.

И. ҚУШОҚОВ олган сурат.

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
**НАРОДНОЕ СЛОВО**  
● ТЕЛЕФОНЛАР:  
маълумот учун 33-07-48;  
эълонлар бўлими 32-09-25.  
Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгаши Раёсати  
ва Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ  
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Абдунаби БОЯҚЎЗБЕВ, Эскирган БОЛИЕВ (масъул котиб), «Халқ сўзи», Эркин ВОҲИ-ДОВ, Миранмак МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Леа ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), «Народное слово», Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлхўлад РИЗАЕВ, Алек-сандар ТЮРИКОВ (масъул котиб), Шавак ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИ-РОВ, Муҳаммадjon ҚОРАБОВ, Сандақдор ҲУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Ленинград кўчаси, 19-уй.  
● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмай-ди. Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди.